“ТАСДИҚЛАНГАН”
ЎзРВБ Кузатув кенгаши мажлиси
2019 йил 5 апрель (212-сонли баён)

Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ:
2019 йил 30 июлдаги 219-сонли баён
2020 йил 21 февралдаги 226-сонли баён
2020 йил 14 декабрдаги 242-сонли баён
2024 йил 31 январдаги 295-сонли баён
2026 йил 26 июлдаги 13-сонли баён

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ ЭЛЕКТРОН САВДО ПЛАТФОРМАСИ ОРҚАЛИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ БИЛАН ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

(Янги таҳрирда)

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги” қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом (Адлия вазирлигида 2018 йил 25 октябрда 3079-сон билан рўйхатга олинган), “Марказий банкнинг пул бозоридаги операцияларини амалга ошириш тартиби”га (Марказий банкнинг 2023 йил 14 декабрдаги 41/1-сонли қарори билан тасдиқланган) мувофиқ “Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ электрон савдо платформаси орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (кейинги ўринларда – Марказий банк) тижорат банклари, шу жумладан микромолия банклари (бундан буён матнда банклар деб юритилади) билан депозит операцияларини ўтказиш тартибини белгилайди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Марказий банкнинг банклар билан депозит операциялари (кейинги ўринларда – депозит операциялари) – Марказий банк томонидан банкларнинг пул маблағларини депозитларга жалб қилиш операциялари;

“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (кейинги ўринларда - ЎзРВБ) - чет эл валютаси, давлат қимматли қоғозлари, молиявий ҳосила инструментлари (деривативлар) олди-сотдиси ҳамда улар билан боғлиқ бошқа биржа битимлари бўйича биржа савдоларини, шунингдек банклараро пул бозорини ҳамда Марказий банкнинг банклар билан амалга ошириладиган кредит ва депозит аукционларини ташкил этувчи юридик шахс;

депозит аукциони – банкларнинг пул маблағларини жалб қилиш бўйича Марказий банк томонидан банклар ўртасида амалга ошириладиган кимошди савдолари. Депозит аукционлари фоизли ва миқдорий кўринишда ўтказилиши мумкин. Фоизли депозит аукциони банкларнинг буюртмаларида таклиф этилган фоиз ставкаларидан келиб чиққан ҳолда, миқдорий депозит аукциони эса банкларнинг буюртмаларида таклиф этилган депозит ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ўтказилади;

Бош битим - депозит операцияларини амалга оширишнинг умумий шартлари ва тартибини белгиловчи Марказий банк билан банклар ўртасида тузиладиган битим;

электрон савдо платформаси (кейинги ўринларда – Савдо тизими) – электрон шаклда биржа савдоларини ўтказиш имконини берувчи ҳамда қабул қилинган буюртмаларни рўйхатга олиш, биржа битимларини тузиш, жорий маълумотларни дилерлар иш ўринларида акс эттириш, савдо жараёнини баёнлаштириш ва якуний биржа ҳужжатларини шакллантиришни таъминловчи ЎзРВБнинг автоматлаштирилган тизими;

дилер – депозит операцияларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган ЎзРВБнинг аъзоси;

трейдер – дилер номидан биржа савдоларида уларнинг номидан биржа битимлари тузишга ваколатли бўлган, ишончнома, депозит операцияларида иштирок этувчи трейдерлар рўйхати (““ЎзРВБ” АЖга аъзолик тўғрисида”ги Низомга кўра) асосида фаолият юритувчи дилернинг ходими;

трейдернинг иш жойи – Савдо тизимида депозит операцияларини амалга оширишни таъминловчи автоматлаштирилган иш жойи;

буюртма (ариза) - депозит операцияларини амалга ошириш учун электрон шаклдаги таклиф. Буюртмалар рақобатли ва рақобатсиз буюртмаларга бўлинади.

Рақобатли буюртма фоизли депозит аукционида иштирок этиш учун банклар томонидан фоиз ставкаси кўрсатилган ҳолда тақдим этиладиган буюртма;

Рақобатсиз буюртма фоизли депозит аукционида иштирок этиш учун банклари томонидан фоиз ставкаси кўрсатилмаган ҳолда тақдим этилади.

трейдернинг иш жойидаги техникавий носозлик - техник жиҳатдан иш жойи одатий режимининг бузилиши оқибатида трейдернинг бирор-бир вақт давомида савдоларда қатнашиш имкониятларидан маҳрум бўлишига олиб келувчи ҳолат. Бунда, Савдо тизими нормал фаолият кўрсатиши мумкин;

Савдо тизимининг техникавий носозлиги - Савдо тизимининг техник жиҳатдан одатий режими бузилиши ҳолати;

ўзгармас фоиз ставкаси – пул-кредит сиёсати мақсадларидан келиб чиққан ҳолда банкларнинг депозит маблағларини жалб қилиш бўйича Марказий банк Кредит қўмитаси томонидан ўрнатиладиган ставка;

чегириш фоиз ставкаси – депозит аукциони натижаларига кўра банкларнинг қондириладиган рақобатли буюртмалари бўйича таклиф этилган максимал ставка;

платформа – Марказий банк ҳузуридаги Ахборотлаштириш бош маркази томонидан Марказий банкнинг Интеграллашган ахборот таҳлилий тизими базасида ишлаб чиқилган махсус платформа.

2. Дилерлар депозит операцияларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низоми (Адлия вазирлигида 2018 йил 25 октябрда 3079-сон билан рўйхатга олинган), “Марказий банкнинг пул бозоридаги операцияларини амалга ошириш тартиби” (Марказий банкнинг 2023 йил 14 декабрдаги 41/1-сонли қарори билан тасдиқланган) талабларига ва мазкур Қоидаларга риоя қилишлари шарт.

Ушбу Қоидалар савдо тизими орқали пул бозоридаги операцияларни ўтказиш тартибини белгилайди. Мазкур қоидаларнинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ушбу Қоидалар ва унга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ЎзРВБ Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.

3. Депозит операциялари Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида амалга оширилади.

4 ЎзРВБда депозит операциялари ЎзРВБ ҳамда дилерлар томонидан тузиладиган Бош битимга мувофиқ амалга оширилади.

5. ЎзРВБ томонидан депозит операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ ишларни ташкиллаштириш, шунингдек мазкур Қоидаларда кўзда тутилган функцияларни бажариш учун ЎзРВБнинг алоҳида ваколатларига эга бўлган биржа маклери тайинланади.

6. Дилерлар депозит операцияларини амалга оширишлари учун Савдо тизимида трейдернинг иш жойига эга бўлишлари шарт.

7. Савдо тизимида дилерлар бошқа дилер номидан қатнашиши ва тузилган битимлар бўйича депозит муддатларини узайтириши мумкин эмас.

8. Савдолар жараёнида трейдерлар томонидан амалга оширилган барча операциялар ва ҳаракатлар уларни ваколатлаган дилерларнинг операцияси ва ҳаракатларидек баҳоланади.

9. Трейдерларга ўз номидан ва ҳисобидан операцияларни амалга ошириш ман этилади.

Агар, дилерлар томонидан депозит операцияларни ўтказиш тартиби ва ушбу Қоидалар талаблари бузилган ҳолларда ЎзРВБ ички ҳужжатларида кўзда тутилган чораларни қўллашга ҳақлидир.

10. Дилерлар ўзларининг трейдерлари амалга ошираётган операцияларнинг тўғрилиги ва махфийлигига ҳамда маълумотларнинг ошкор қилинмаслигига тўлиқ жавобгардирлар.

11. Тузилган битим, шунингдек, ЎзРВБнинг воситачилик мукофоти ҳамда пеня тўлови бўйича бажарилмаган мажбуриятлари мавжуд банк бўлган дилерлар биржа савдоларига қўйилмайди.

12. Депозит операцияларини амалга оширишда фоиз кўрсаткичларининг сунъий равишда ўзгартирилишига ёки қатъий қилиб қўйилишига олиб келиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, шунингдек, бозор конъюнктурасини сунъий равишда ўзгартирилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган нотўғри ва атайлаб ёлғон маълумотларни тарқатиш, яъни биржа савдоларида манипуляция қилиш ва инсайдер ахборотдан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

Манипуляция ва инсайдер ахборотдан фойдаланиш ҳолатлари мавжудлиги ЎзРВБ томонидан шубҳа остига олинган ҳолатда, ЎзРВБ уч иш куни мобайнида Марказий банкка тегишли маълумот тақдим этади.

13. Ушбу Қоидаларга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ЎзРВБ Кузатув кенгаши қарорига кўра бошқа муддат ва тартиб ўрнатилмаган бўлса, тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қоидаларга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги ахборот ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида улар тасдиқланган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

II. САВДО ТИЗИМИДА ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

14. Фоизли ва миқдорий депозит аукционлари Савдо тизими орқали амалга оширилади.

15. Трейдерлар Савдо тизимида депозит операцияларини ЎзРВБнинг узоқлаштирилган савдо терминаллари орқали масофавий амалга оширади.

16. Депозит аукциони ўтказилиши тўғрисидаги маълумот аукцион ўтказиладиган кундан камида 1 иш куни олдин) Марказий банкнинг расмий веб-сайтида (телеграм каналида) эълон қилинади ҳамда Савдо тизими орқали банкларга жўнатилади. Ушбу маълумот қуйидагиларни ўз ичига олади:

депозит аукциони ўтказиш санаси;

депозит аукциони тури (фоизли ёки миқдорий);

депозит муддати;

аукцион ўтказиш усули (“америкача” ёки “голландча”);

маблағларни депозитга ўтказиш санаси;

маблағларни қайтариш ва депозит бўйича фоизларни тўлаш санаси;

рақобатсиз буюртмаларнинг максимал улуши (фоизли депозит аукциони амалга оширилганда);

депозит аукциони фоиз ставкаси (фоизли депозит аукциони амалга оширилганда ўрнатилмаслиги мумкин);

депозит аукционига жалб қилинадиган маблағларнинг максимал миқдори (ўрнатилган ҳолларда);

ҳар бир буюртма бўйича таклиф этиладиган минимал ва максимал миқдор (ўрнатилган ҳолларда);

битта банкдан депозит аукционига қабул қилинадиган буюртмалар сони (ўрнатилган ҳолларда);

депозит аукциони бўйича буюртмаларни қабул қилиш вақти;

депозит аукциони натижалари ёки ўтказилиши бекор қилинганлиги ҳақида маълумотларни эълон қилиш вақти.

17. Депозит аукционини ўтказиш тўғрисидаги маълумот Марказий банкнинг веб-сайтида эълон қилинган куни Савдо тизими орқали банкларга етказилади.

18. Марказий банк депозит операциялари бўйича банклар томонидан жойлаштириладиган депозитлар миқдорига ва ҳар бир банкдан депозит аукционига қабул қилинадиган буюртмалар сонига лимитлар ўрнатиши мумкин.

19. Депозит аукциони икки ёки ундан ортиқ банклар томонидан буюртмалар тақдим этилган ҳолларда амалга оширилади.

20. Депозит аукциони қуйидаги стандарт шартлар асосида ўтказилади:

“1 ҳафта”– муддати етти календарь кун;

“2 ҳафта” – муддати ўн тўрт календарь кун;

“2-6 кунлик “тўғрилаш” депозит аукционлари;

“1 ой” – муддати бир ой;

“3 ой” – муддати уч ой;

бошқа шартлар асосида – бунда депозит муддати Марказий банкнинг депозит аукциони ўтказилиши ҳақидаги маълумотида кўрсатилади.

21. Фоизли депозит аукционлари Марказий банк томонидан депозит аукционида жалб қилинадиган пул маблағларининг максимал миқдори ўрнатилган ҳолда амалга оширилади. Бунда, депозитлар бўйича максимал фоиз ставкаси ҳам ўрнатилиши мумкин. Максимал фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий фоиз ставкасига тенг бўлади.

22. Савдолар бошланишидан олдин трейдернинг биржа битимларини тузиш ҳуқуқини тасдиқлаш тартиб-таомили (трейдерлар аутентификацияси) ўтказилади. Бунда, Савдо тизимига трейдерларнинг шахсий коди ва пароли киритилади. Трейдернинг пароли бевосита унинг иш жойидан киритилади.

23. Трейдерлар ўз шахсий коди ва паролларини учинчи шахсларга ошкор қилинмаслигига тўлиқ жавобгардирлар.

24. Савдо тизимида операцияларни амалга оширишда трейдерлар “Трейдернинг автоматлаштирилган иш жойи. Фойдаланувчи учун қўлланма.” йўриқномасига амал қиладилар.

25. Дилерлар Савдо тизимида иштирок этишлари учун тенг шарт-шароитлар билан таъминланади.

26. Трейдерлар томонидан Савдо тизимига буюртмалар тақдим этилганда, Савдо тизимида етарли миқдорда воситачилик мукофоти суммаси мавжудлиги текширилади.

27. Депозит аукционида қатнашиш учун буюртмалар банклар бўлган дилерлар томонидан савдо тизимига эълонда белгиланган вақтда электрон шаклда тақдим этилади.

28. Тақдим этилаётган буюртмаларда (1-илова) қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

буюртма тури (фоизли депозит аукциони ўтказилганда);

депозит суммаси;

таклиф этилаётган фоиз миқдори (фоизли депозит аукциони ўтказилганда ва рақобатли буюртма тақдим этилганда).

Буюртманинг тартиб рақами, санаси ва вақти, банк номи, депозит операцияси тури (депозит аукциони ёки ўзгармас фоиз ставкаси бўйича депозит операцияси), депозит операциясида иштирок этиш санаси, депозит муддати (стандарт шартлар асосида), депозитни жойлаштириш ва қайтариш санасини Савдо тизими томонидан автоматик равишда шакллантирилади.

29. Фоизли депозит аукционларида иштирок этишлари учун банклар рақобатли ҳамда рақобатсиз буюртмалар тақдим этишлари мумкин.

30. Банкларнинг рақобатли буюртмаларидаги таклиф этилган фоиз ставкалари Марказий банк томонидан ўрнатилган максимал фоиз ставкасидан юқори бўлган ҳолларда ушбу буюртмалар фоизли депозит аукционига қабул қилинмайди.

31. Савдо тизимидаги рақобатсиз буюртмалар аукцион натижаларига кўра тўлиқ ёки қисман қондириладиган рақобатли буюртмаларнинг фоиз ставкаси ҳамда миқдорларидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган ўртача тортилган фоиз ставкаси бўйича қондирилади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\overline{Y} = \frac{\sum_{i=1}^{n} (V_i * Y_i)}{\sum_{i=1}^{n} V_i},$$

Бунда:

$\overline{Y}$ - ўртача тортилган фоиз ставкаси;

V_i – қондириладиган рақобатли буюртманинг суммаси;

Y_i - і рақобатли буюртмалар бўйича йиллик фоиз ставкаси;

n – буюртмалар сони.

32. Банкларнинг рақобатсиз буюртмалари бўйича таклиф этилган жами депозит маблағлари миқдори Марказий банк томонидан ўрнатилган депозит аукционига жалб қилинадиган маблағларнинг максимал миқдорига тенг бўлган ёки ошган ҳолларда ушбу фоизли депозит аукциони бекор қилинади.

33. Буюртмаларни Савдо тизимига тақдим этиш вақти оралиғи мобайнида буюртмалар трейдерлар томонидан чекланмаган маротаба ечиб олиниши ва қайта тақдим этилиши мумкин. Шу билан бирга, рақобатли буюртмаларнинг ечиб олиниши рақобатсиз буюртмаларга ўрнатилган лимит миқдорига таъсир этмаслиги лозим.

34. Савдо тизими банклар томонидан тақдим этилган рақобатли ва рақобатсиз буюртмалар рўйхатини шакллантиради ва рақобатли буюртмаларни уларда таклиф этилган фоиз ставкаларига кўра ўсиб бориш тартибида таснифлайди.

35. Фоизли депозит аукционида буюртмани Савдо тизимига киритиш вақти тугагандан сўнг Савдо тизими тақдим этилган буюртмалар бўйича жамланма реестрни (2-илова) шакллантиради.

36. Марказий банк буюртмалар бўйича жамланган реестр асосида фоизли депозит аукциони учун чегириш фоиз ставкасини белгилайди ва эълонда белгиланган вақтда Савдо тизимига депозит маблағларини жалб қилиш учун умумий буюртмасини киритади.

37. Чегириш фоиз ставкаси Марказий банк томонидан ўрнатилган фоизли депозит аукциони бўйича максимал фоиз ставкасига (ўрнатилган ҳолларда) тенг бўлмаслиги мумкин.

38. Марказий банк томонидан фоизли депозит аукциони натижалари бўйича аввал банкларнинг рақобатсиз буюртмалари тўлиқ, сўнгра таклиф этилган фоиз ставкаси чегириш ставкасидан юқори бўлмаган рақобатли буюртмалари қондирилади. Рақобатли буюртмалар таклиф қилинган минимал фоиз ставкаларидан чегириш фоиз ставкасигача бўлган тартибда қондирилади.

39. Фоизли депозит аукционлари икки хил усулда ўтказилиши мумкин:

“америкача” усул –банкларнинг рақобатли буюртмалари уларда таклиф этилган фоиз ставкалари бўйича;

“голландча” усул –банкларнинг рақобатли буюртмалари чегириш ставкаси бўйича қондирилади.

40. Фоизли депозит аукциони натижаларига кўра қондирилиши лозим бўлган буюртмаларнинг жами миқдори Марказий банк томонидан белгиланган максимал миқдордан ошган ҳолларда, таклиф этилган фоиз ставкаси чегириш ставкасига тенг бўлган рақобатли буюртмалар уларда кўрсатилган ҳажмлардан келиб чиқиб, мутаносиб равишда қисман қондирилади. Бунда банкларнинг буюртмалари миқдори сўмгача яхлитланади.

41. Савдо тизимида миқдорий депозит аукционлари Марказий банк томонидан депозитлар учун белгиланган фоиз ставкаси бўйича ўтказилади. Бунда, жалб қилинадиган пул маблағларининг максимал миқдори ҳам ўрнатилиши мумкин.

42. Банклар миқдорий депозит аукционида иштирок этиш учун Марказий банк томонидан белгиланган фоиз ставкасида буюртмалар тақдим этади.

43. Савдо тизими банклар томонидан миқдорий депозит аукционида иштирок этиш учун тақдим этилган буюртмалар рўйхатини унда таклиф этилган ҳажмлар бўйича пасайиб бориш тартибида шакллантиради ва уларнинг жами ҳажмини аниқлайди.

44. Миқдорий депозит аукционида буюртмани Савдо тизимига киритиш вақти тугагандан сўнг Савдо тизими тақдим этилган буюртмалар бўйича жамланма реестрни (2-илова) шакллантиради.

45. Марказий банк буюртмалар бўйича жамланган реестр асосида миқдорий депозит аукциони якуни бўйича жалб қилинадиган маблағлар миқдорини аниқлайди ва эълонда белгиланган вақтда Савдо тизимига депозит маблағларини жалб қилиш учун умумий буюртмасини киритади.

46. Чегириш фоиз ставкасига тенг ва ундан паст бўлган буюртмалар рўйхати Савдо тизими томонидан шакллантирилганидан сўнг, ғолиб бўлган Дилерларнинг рўйхати, битим суммалари ва фоиз ставкалари Марказий банкка тақдим этилади.

Ғолиб бўлган дилерлар платформа орқали Марказий банкка онлайн буюртма юборадилар.

47. Буюртма Марказий банк томонидан қондирилиши билан депозит маблағлари тегишли банк бўлган дилернинг вакиллик ҳисобварағидан Марказий банкнинг депозит ҳисобварағига автоматик тарзда ўтказилади.

48. Депозит маблағлари ва уларга ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиши Марказий банк томонидан банклар бўлган дилерларнинг тегишли вакиллик ҳисобварақларига автоматик тарзда ўтказиб берилиши орқали амалга оширилади.

49. Ушбу жалб қилинадиган маблағлар миқдори Марказий банк томонидан ўрнатилган максимал миқдорга (агар ўрнатилган бўлса) тенг бўлмаслиги мумкин.

50. Миқдорий депозит аукциони натижаларига кўра қондирилиши лозим бўлган буюртмалардаги жами миқдор депозит аукциони якуни бўйича жалб қилинадиган маблағлар миқдоридан ошган ҳолларда буюртмалар уларда кўрсатилган ҳажмлар улушидан келиб чиқиб мутаносиб равишда қисман қондирилади. Бунда банкларнинг буюртмалари миқдори сўмгача яхлитланади.

51. Депозит аукционлари бўйича банклардан етарлича буюртмалар қабул қилинмаган тақдирда ёки Марказий банк Кредит қўмитасининг қарорига кўра депозит аукционларини ўтказиш бекор қилиниши мумкин.

52. Ўтказилган депозит аукцион натижалари ёки ўтказилиши бекор қилинганлиги ҳақида маълумотлар Савдо тизимида ҳамда ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

III.ЎЗРВБ АЪЗОЛАРИНИНГ БИРЖА САВДОЛАРИДА ИШТИРОК ЭТИШИГА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБИ

53. ЎзРВБ аъзолигига қабул қилиш тартиби, ЎзРВБ аъзоларига қўйиладиган талаблар уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, биржа савдоларида иштирок этишга рухсат бериш тартиби, шунингдек ЎзРВБ аъзолиги таркибидан чиқариш ““Ўзбекистон республика валюта биржаси” акциядорлик жамиятига аъзолик тўғрисида”ги Низомга кўра белгиланади.

IV. ДЕПОЗИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИШГА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБИ

54. Депозит операциялари бўйича пул маблағлари биржа савдоларига қўйилган биржа товарлари рўйхатига (биржанинг котировкалаш варағига, 3-илова) биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш тартиб-таомиллари билан киритилади.

V. ТЕХНИКАВИЙ НОСОЗЛИКЛАР

55. Трейдернинг иш жойида буюртмани тақдим этиш вақти мобайнида техникавий носозлик юз берганида, у зудлик билан, ихтиёридаги алоқа воситалари орқали биржа маклерини хабардор қилади. Трейдер иш жойининг одатий иш режими тикланганидан сўнг у Савдо тизимига қайта кириши мумкин.

56. Савдо тизимида техник носозлик вақтида савдолар ушбу носозлик бартараф этилгунга қадар тўхтатиб турилади. Биржа маклери ўз вақтида Марказий банкнинг ваколатли вакилини ва ЎзРВБ Ижроия органини бу ҳақида хабардор қилади, шунингдек бу маълумотни трейдерларга етказади.

Агар Савдо тизимида техник носозлик содир бўлганидан кейин унинг одатий иш режими 30 дақиқа мобайнида тикланса, савдолар давом эттирилади ва ушбу ҳолатда савдоларни якунлаш вақти техник носозликни бартараф этишга кетган вақтга узайтирилади шунингдек, трейдерлар Савдо тизимига қайта кириш учун зарур барча амалларни қайтадан бажарадилар, акс ҳолда савдолар бекор қилинади.

57. Савдо тизимининг техникавий носозликларининг барча ҳолларида, дилернинг ёзма мурожаати бўйича, ЎзРВБ техникавий носозлик содир бўлганлиги тўғрисида маълумотнома беради.

58. Савдо тизимининг нормал фаолияти бузилишига олиб келадиган сабаблар, хусусан техник носозликлар, жиҳозларнинг (ускуналарнинг) бузилиши ва ишламай қолиши, дастурий таъминотдаги носозликлар ва хатоликлар, алоқа, энергия таъминоти, сунъий иқлим тизими ва ҳаёт таъминотидаги бошқа тизимларнинг бузилиши ҳамда ишламай қолиши, шунингдек, ЎзРВБ томонидан назорат этилмайдиган кўзда тутилмаган бошқа ҳолатлар юзага келганда, ЎзРВБ мазкур

қоидаларда белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

59. Агар узоқлаштирилган савдо терминалларини Марказий процессорга уловчи ахборот коммуникация воситаларида носозлик пайдо бўлган ҳолларда депозит операциялари бевосита савдо залидаги трейдер иш жойида ўтказилиши мумкин.

VI. БИРЖА БИТИМЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ВА САВДО НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

60. Ҳар бир биржа битими тузилганда Савдо тизими уни рўйхатга олади, унга рўйхатга олиш рақамини бириктиради ва дилерларга тузилган битимлар бўйича тўловларни амалга оширишга асос бўладиган биржа гувоҳномаларини (4-илова) тақдим этади.

Биржа гувоҳномаси биржа маклери ҳамда трейдер томонидан электрон рақамли имзо қўйиш орқали тасдиқланади.

Биржа битимлари нотариал тартибда тасдиқланмайди.

61. Депозит операциялари (аукциони) натижаси бўйича депозит операциялари (аукциони) баённомаси (5-илова) шакллантирилади ва депозит операциялари (аукциони) баённомасидан кўчирма дилерларнинг ёзма мурожаати бўйича тақдим этилади.

VII. ВОСИТАЧИЛИК МУКОФОТИ

62. Савдо тизимида операцияларни амалга оширганликлари учун ЎзРВБ дилерлардан (Марказий банк бундан мустасно) воситачилик мукофотини ундиради.

63. Воситачилик мукофотини ундириш тартиби ва миқдори ЎзРВБ Кузатув кенгашининг қарори билан қабул қилинади.

64. Депозит аукционларида операциялар амалга оширилганда банклар воситачилик мукофотини ЎзРВБнинг махсус ҳисобрақамларига савдолар ўтказилган кундан кейинги кун соат 12-00га қадар ўтказишлари лозим.

65. ЎзРВБ олдидаги воситачилик мукофотини тўлаш бўйича мажбуриятларни бажармаганликлари учун дилерлардан кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган мажбурият суммасидан 0,05 фоиз, аммо бажарилмаган мажбурият суммасининг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня ундирилади.

VIII. ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

66. Тузилган биржа битимлари бўйича барча ҳисоб-китоб операцияларининг ижроси Марказий банк ва банклар бўлган дилерлар ўртасида ўзаро тузилган Бош битимга мувофиқ мустақил равишда амалга оширилади.

67. Воситачилик мукофоти бўйича ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг ҳисоб – китоб касса Маркази (кейинги ўринларда – Хисоб-китоб маркази)да очилган ЎзРВБнинг махсус ҳисобрақамлари орқали амалга оширилади.

68. Савдоларда қатнашиш учун воситачилик мукофоти бўйича ҳисоб-китобларни ўтказиш мақсадида Савдо тизимида дилерларга сўмда алоҳида шахсий ҳисобрақамлар очилади.

69. ЎзРВБнинг махсус ҳисобрақамлари бўйича операциялар Ҳисоб-китоб марказидаги ўрнатилган қоидаларга мувофиқ ва тегишли шартномалар асосида амалга оширилади.

70. Дилерлар реквизитларидаги ўзгаришлар тўғрисида ЎзРВБни ўз вақтида хабардор қилмагани ва нотўғри маълумотларни тақдим этганлиги оқибатлари учун тўлиқ жавобгардирлар.

71. Дилерлар пул маблағларининг қайтарилиши ЎзРВБ томонидан уларнинг ёзма сўровларига (6-илова) кўра Марказий банкнинг банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўлов ҳужжатларини узатиш, қабул қилиш ва назорат қилиш вақти якунига 1 соат қолгунга қадар тақдим этилган тақдирда, шу куннинг ўзида ЎзРВБ томонидан амалга оширилади.

IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

72. Депозит операцияларини амалга оширишда юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар “ЎзРВБда низоларни кўриб чиқувчи Арбитраж қўмитаси” томонидан ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

73. Мазкур Қоидалар талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

74. Биржа битими тўғрисидаги ахборот (биржа товарининг номи, сони, котировкаси (фоизи), биржа битими тузилган сана бундан мустасно) учинчи шахсларга ошкор қилиниши мумкин эмас. Биржа битими тўғрисидаги ахборот судларга тақдим этилади, суриштирув ва тергов органларига эса, қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда тақдим этилади.

1-илова

Депозитни жойлаштириш учун
БУЮРТМА

буюртма тури* (кераклиги белгилансин):	рақобатли буюртма
	рақобатсиз буюртма

депозит суммаси (сўмда)_____

таклиф этилаётган фоиз миқдори*_____

Буюртманинг тартиб рақами, санаси ва вақти, банк номи, депозит операцияси тури (депозит аукциони ёки ўзгармас фоиз ставкаси бўйича депозит операцияси), депозит операциясида иштирок этиш санаси, депозит муддати (стандарт шартлар асосида), депозитни жойлаштириш ва қайтариш санаси Савдо тизими томонидан автоматик равишда шакллантирилади.

*фоизли депозит аукциони ўтказилганда

2-илова

Ўзбекистон республика валюта биржасида Марказий банк томонидан ўтказилган депозит аукциони натижалари бўйича қондирилиши лозим бўлган буюртмалар жамланма реестри

20___йил_____

Инструмент номи_____

Депозит жойлаштириш санаси_____

Депозит қайтарилиши санаси_____

Депозит муддати_____

Рақобатли буюртмалар сони_____дона

Рақобатсиз буюртмалар сони_____дона

Жалб қилинадиган маблағларнинг максимал миқдори_____сум

Жалб қилинган депозитларни қайтариш санаси_____й.

№	Пул маблағларини жойлаштирувчи банк бўлган дилернинг номи	Буюртмалар ҳажми	Фоиз ставкаси (йиллик)	Марказий банк харажати
1				
2				
3				
4				
Жами		*	**	0.00

*_____ сўм. миқдоридаги депозит аукциони учун жами келиб тушган буюртмалар умумий ҳажми_____сўм

** Депозит аукциони бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси

3-илова

Ўзбекистон республика валюта биржаси

БИРЖА КОТИРОВКАЛАШ ВАРАҒИ

Т/Р	Инструмент номи	Инструмент тавсифи	Битим тури
1	DEPO_CB_n	“Ўзбекистон республика валюта биржаси электрон савдо платформаси орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банклар билан депозит операцияларини ўтказиш қоидалари”га мувофиқ дилерлар томонидан сўмдаги пул маблағларини жойлаштириш ва жалб қилиш	пул маблағларини жойлаштириш ва жалб қилиш

n-1 ҳафта, 2 ҳафта, 2-6 кунлик (“тўғрилаш” депозит аукционлари), 1 ой, 3 ой ва бошқа шартлар асосида.

4-илова

Ўзбекистон республика валюта биржаси

№ - СОНЛИ БИРЖА ГУВОҲНОМАСИ

20__й___ _____

инструмент номи	пул маблағлари суммаси (сўмда)	фоиз ставкаси	пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш муддати (кунларда)	пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш санаси	пул маблағларини қайтариш санаси	фоиз тўловларини тўлаш муддати	воситачилик мукофоти суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) (сўмда)

пул маблағларини жалб этувчи	ЎзР Марказий банки
пул маблағларини жойлаштирувчи	

ЎзРВБ маклери _____

(Ф.И.О.)

Трейдер _____

(Ф.И.О.)

Мазкур биржа гувоҳномаси дилерлар томонидан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асосдир.

5-илова

Ўзбекистон республика валюта биржаси

Депозит операцилари (аукциони) баённомаси

20__й ___ _____

Буюртма рақами	**Дилер коди**	**Буюртма тақдим этиш вақти**	**Инструмент номи**	**Буюртма суммаси**	**Фоиз ставкаси**	**Битим тузилиш вақти**	**Битим суммаси**	**Пул маблағлари қайтарилишининг охирги санаси**	**Буюртмани ечиб олиш вақти**	**Буюртманинг ҳолати (буюртма қолдиғи)**

6-илова

Ўзбекистон республика
валюта биржаси
Бош директорига

Сиздан

_____
(дилернинг номи)

_____(сўм)
(сумма рақамларда ва ёзма равишда кўрсатилади)

миқдоридаги пул маблағларини Ўзбекистон республика валюта биржасининг _____ - сонли махсус ҳисобрақамидан коди _____ бўлган _____даги_____-сонли ҳисобрақамга ўтказишингизни сўрайди.

_____	/_____ /	_____/
Биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга мансабдор шахс	(имзо)	(исми, шарифи ва фамилияси)

Изоҳ. Ёзма сўровни расмийлаштириш ва тақдим этиш шартлари қуйидагилардан иборат:
а) хат аниқ сумма ва банк реквизитлари кўрсатилган ҳолда дилернинг расмий бланкида расмийлаштирилиши лозим. Тўғрилаш ва бўяшларга ижозат берилмайди;
б) хатда имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар имзолари (дилер томонидан олдиндан тақдим этилган, имзо қўйиш ҳуқуқидан фойдаланувчи мансабдор шахслар имзоларининг намуналари варақчасида кўрсатилган) бўлиши талаб этилади.